

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Тарих ва ҳуқуқ факультети

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи
Фанидан**

Курс иши

**Мавзу: Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларининг
шаклланиши, функциялари ва ваколатлари.**

Бажарувчи:

Мухаммадсайд Абдулла

Нукус-2012

Мавзу: Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларининг шаклланиши, функциялари ва ваколатлари.

Кириш.....

1--БОБ. Вакиллик органларининг шаклланиш тартиби.....

2--БОБ. Вакиллик органларининг тизими

3--БОБ. Вакиллик органлари функцияси ва ваколатларининг моҳияти ва тушунчаси.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришни чуқурлаштириш натижаси ўлароқ мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, шу жумладан қонунчилик соҳасини такомиллаштиришга доимо эътибор қаратилмоқда¹. Ўзбекистон Республикаси истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида ҳуқуқий ривожланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади.

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларини ўчта бўғинга бўлиб қарашимиз мумкин. Булар биринчи бўғин (юқори бўғин) Олий Мажлис палаталари; иккинчи бўғин (ўрта бўғин) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари; учинчи бўғин (қуйи бўғин) халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидир. Дарвоқе, вакиллик органлари яхлит бир механизм сифатида фаолият юритаётгани йўқ².

Олий Мажлис палаталари фаолияти тартиби Конституциявий мақомга эга бўлиб, ушбу органнинг ваколатлари Асосий қонунда белгилангандир. Айтиш керакки, мамлакатнинг олий вакиллик органи етарли даражадаги фаолликда, ошкора ва маълум маънода жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ўз фаолиятини олиб боришга муваффақ бўлмоқда. Лекин, маҳаллий вакиллик органлари эса, айниқса қуйи бўғин вакиллик органлари жамият ҳаётида ўз фаоллигини тўла намаён этаолишмаяпти.

Асосий қонунда белгиланган, “қонунийлик, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;”³ каби ўз функцияларини маҳаллий Кенгашлар айтиш керакки, етарли даражада амалга ошира олишмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларининг ўзаро узвий алоқасини, вакиллик органлари ўртасида циркуляция вужудга келишини, маҳаллий депутатларнинг ўз функцияларини мукаммал эгаллашини, фуқароларда сиёсий фаолликнинг ошишини таъминлаш орқали ҳуқуқий ривожланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш каби олий мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, вакиллик органларининг ўзаро узвий алоқасини таъминлаш натижасида фуқароларда маҳаллий Кенгаш депутатларига бўлган ишонч уйғонади, давлат ва жамият уйғунлиги янада мустаҳкам таъминланади, жамиятда юз

¹ Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. Р.М.Алимовнинг умумий таҳрири остида. Т.; “Шарқ” 2002. 3 бет.

² С.М.Адилходжаева Работа с регионами – в приоритете функций Сената.//Давлат ва ҳуқуқ. 2006.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т, “Ўзбекистон”, 2008.100-модда.

бераётган ижобий ўзгаришларда бевосита фуқароларнинг кенг иштироки таъминланади. Ўзбекистон Республикасидаги қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанат, бири иккинчисининг ишига аралашмаслик ва ҳокимиятларнинг ҳақиқий мустақиллиги таъминланишига эришилади. Бу эса ниҳоятда зарурлигини илм аҳли жуда яхши билади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Сўнгги ўн тўққиз йил давомида эса бир қанча рус олимлари томонидан ушбу соҳани турли қирралари бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, М.А.Алебастрова, А.М.Арбузкин, М.В.Баглай, М.В.Бородач, Д.А.Ковачёв, Д.Карлайл, Л.Левитин, Н.И.Лазаревский, А.В.Малко, Н.А.Михалева, Б.А.Страшун, В.И.Ясюнас, М.В.Чиркин кабилар шулар жумласидандир. Айниқса, Б.А.Страшун бошчилигида 1996 йили нашр этилган «Конституционное (Государственное) право зарубежных стран» номли китоби жаҳоннинг деярли барча мамлакатларининг вакиллик органлари фаолиятини ўзида мужассамлаштириш билан бирга қиёсий характерга ҳам эгадир.

Ўзбекистон Республикаси тажрибасида бугунги кунга келиб ушбу соҳа бўйича бир қанча олимлар илмий изанишлар олиб борган бўлиб булардан, А.А.Азизхўжаев, Д.Қ.Аҳмедов, Э.Ҳ.Халилов, А.Т.Тўлаганов, С.М.Одилхўжаева, Ҳ.Т.Одилқориев, О.Т.Хусанов, А.Ҳ.Сайдов, С.Д.Ниетуллаев, Э.Д.Қутибаева каби миллий олимларимизни келтиришимиз мумкин.

Курс ишининг мақсади. Ўзбекистон Республикаси вакиллик органлари функцияларини ўрганиш, Олий вакиллик органи билан маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро узвий алоқасини янада мукамал таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Курс ишининг вазифалари:

-вакиллик органлари функциялари тушунчаси ва уларнинг ишлатиш, қўлланиш доирасини аниқлаш;

-Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан Олий Мажлис Сенатининг функцияларини ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш;

-Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар ва сайловчилар билан олиб борадиган ишларини ўрганиш;

-маҳаллий вакиллик органлари томонидан ўз функцияларини бажаришда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш

Курс ишининг объекти Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларининг функциялари ва ўзаро алоқалари.

Курс ишининг предметини вакиллик органлари функцияларини белгиловчи қонун ҳужжатлари, депутатлар ва сенаторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қонунлар, олий вакиллик органи билан маҳаллий вакиллик органлари ўзаро алоқасини таъминловчи қонун ва қарорлар ташкил этади.

Курс ишининг тузилиши. Кириш, 5 параграфни мужассамлаштирган 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат.

1-БОБ. Вакиллик органларининг шаклланиш тартиби.

Умумхалқ сайловлари орқали қонун чиқарувчи органларни шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Демократик давлатларда сайловлар муҳим аҳамиятга эгадир, зеро, улар мамлакат парламенти қандай сиёсий кучлардан ташкил топишини аниқлаб беради. Парламент сайловлари мамлакат аҳолисининг кайфияти ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади,¹ - деб ёзади Э.Х.Халилов. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдирганлар: “Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши – буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди”.²

Хорижий олимлардан М.В.Баглай ҳам сайлов тўғрисида ўз фикрини билдириб, жумладан шундай деб ёзади; “Сайловлар орқали фуқаролар давлат органларининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади шунингдек, шу тариқа давлат ишларини бошқаришда иштирок этади”³.

Мустақилликка эришгандан кейинги даврда жамиятимизнинг барча жабҳаларида янгиланиш ва такомиллашиш жараёни амалга оширилгани сингари мамлакатда халқ ҳокимиятчилигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган сайлов тизими ҳам эволюцион тарзда такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистонда сайлов тизими

¹ Халилов.Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи; сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.Ўзбекистон. 2001. 85-бет.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўраимиз. Т.Ўзбекистон. 1999.310-бет.

³ М.В.Баглай. Конституционное право Российской Федерации. Учебник. М.; НОРМА. 2004. 384-стр.

такомиллашишини бугунги кунга келиб 3 босқичга бўлиб кўрсатса бўлади. Биринчи босқич, бу сайлов қонунчилигининг 1994 йилги такомиллаштирилиши, унга кўра, Олий Кенгаш ўз ваколатини илк бор кўппартиявийлик асосида, умумийлик, тўғридан-тўғрилик, овоз беришнинг эркинлиги ва яширин овоз бериш принциплари асосида шакллантирилган, 250 нафар депутатдан иборат бўлган Олий Мажлисга топширган эди. Иккинчи босқични 2005 йилдан Ўзбекистонда бикамерализм институтининг Президентимиз раҳнамолигида жорий этилиши муносабати билан қабул қилинган, жаҳон стандартларига мос бўлган бир қатор қонунлар пакети ташкил этади. Учинчи босқични эса, 2009 йил Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларига сайловлар олдидан ўзгартиш ва қўшимчалар билан янада такомиллаштирилган қонунчиликлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмида белгиланишича “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат”¹.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил этиш ва ўтказишни Олий Мажлис палаталари томонидан тузилган Марказий сайлов комиссияси амалга оширади. Сайловлар қоида тариқасида сайлов бўлиб ўтадиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Қонунчиликда бундай қонуннинг белгиланиши фуқароларга ҳар томонлама қулайлик яратишдан иборатдир. Зеро, фуқаролар якшанба (дам олиш) кунлари ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини иш кунларига қараганда хотиржам амалга оширишлари мумкин бўлади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси бўйича 135 сайлов округи ташкил этилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги қонунда ёзилишича; “Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади”², деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣ ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир³.

¹ “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси 2008, 1-модда 27-декабр сони.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида янги таҳрирдаги қонуни. Т.; “Адолат” 2009.

³ “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т.; “Адолат” 2009.

Юқорида биз Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги такомиллаштирилишини уч босқичга бўлиб кўрсатган эдик. Шундан сайлов қонунчилиги такомиллашувининг учинчи босқичини таъминловчи “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикаси Қонунида депутатликка қуйиладиган талаблар ҳам бир мунча либераллаштирилгандир. Жумладан, қонунда ёзилишича; “содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар” депутатликка номзод сифатида илгари сурилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Яъни, бошқача айтганда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни адашиб содир этган фуқаролар эндиликда депутатликка номзод сифатида илгари сурилиши мумкиндир. Бу ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг янада мукамалроқ таъминланишига бўлган эътиборнинг яққол намунасидир.

Умуман, “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида қисқача тухталадиган бўлсак, ушбу қонун сиёсий партияларнинг ҳақиқий ютуғи бўлди десак хато бўлмаса керак. Масалан, **биринчидан**; эндиликда сиёсий партиялар ўз вакилларини илгаригидек 120 ўринга эмас, балки 135 ўринга тақдим қилишлари мумкин. Бу эса парламент қуйи палатасида янада кўпроқ ўринларга эга бўлиш мумкин деганидир. Қуйи палатада кўпчилик ўринга эга бўлиш эса, сиёсий партиянинг ўз ғояларини жамият орасида янада кенгроқ тарқатишига, қонунларнинг ўз ғояларига ҳамоҳанг тарзда қабул қилинишини таъминлайди. **Иккинчидан**; сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлиги тақдим этилаётган номзодлар эндиликда ўнтагача ўзининг ишончли вакилларига эга бўладиган бўлди. Бу ўз навбатида депутатликка номзодлар сайловолди дастурини ўнта ишончли вакиллари ёрдамида янада кенгроқ тарғиб қилишига ва сайловларда ютиб чиқишига маълум маънода ёрдам беради. **Учинчидан**; “Қонунчилик палатасига номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли”¹. Ушбу қоида орқали сиёсий партияларнинг овозларни санаб чиқиш жараёнига бевосита аралашуш ҳуқуқи янада кенгайтирилди. Овозларни санада ноқонунийликка йўл қўйилиш ҳолатлари ушбу норма ёрдамида янада камайтирилади дейиш мумкин. **Тўртинчидан**; илгариги Олий Мажлисга

¹ “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси. 2008, 3-модда 27-декабр сони.

сайлов тўғрисидаги қонунда “сиёсий партия сайлов компанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзод кўрсатиши мумкин”¹,-деб белгиланган эди. 2008 йил киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ эса, сиёсий партиянинг рўйхатга олиниш муддат камида “тўрт ой” деб, сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзоси “камида қирқ минг” этиб ўзгартирилди. Бундай ўзгартишлар эса сиёсий партияларнинг сайлов жараёнига тайёргарлик кўришида ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган ишларини бирмунча енгиллаштириб, асосий эътиборини ўз ғояларини сайловлар олдидан кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш имконини беради. Бу ҳам сиёсий партияларнинг либераллашуви, давлат ҳокимияти сари очилган яна бир имконият десак, ҳато бўлмаса керак. **Бешинчидан;** айтиш керакки сиёсий партиялар бундан кейинги сайловларда “сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари” деб номланувчи ўзига хос “рақиб”дан холи этилди дейиш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, “сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари” институтининг сайлов қонунчилигидан олиб ташланишининг сабаби, бу институт, ўзининг кам самарали эканлигини ва айнан сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган депутатлар ўзининг халқ вакили сифатидаги вазифаларини етарли даражада бажармаслиги сабаб бўлди дейиш мумкин. Зеро, депутат деган юксак шарафли номга эга бўлган шахс халқ манфаати йўлида, эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилиши зарурдир.

Депутатларнинг касбий маҳорати ва халқ олдидаги вазифалари тўғрисида Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов қуйидаги фикрларни келтиради; “Бугунги кундаги депутатликка номзод, халқ манфаати йўлида, эл юрт манфаати йўлида тинмай меҳнат қилиши, ўз шахсий манфаатидан эл юрт манфаатини устун қўя оладиган, одамларни ўзига ишонтира оладиган ва ўз изидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлмоғи даркордир”², деб таъкидлайди.

Президентнинг ушбу фикрларини инобатга олган ҳолда шунини айтиш керакки, бугунги кундаги сайлов қонунчилиги сиёсий партияларга янада кенг имкониятлар яратиб берди. Мана шундай имкониятдан фойдаланган ҳолда сиёсий партиялар ўз сиёсий кадрлари базасини йилдан йилга такомиллаштириб бориши зарур. Яъни, сайлов йили яқинлашгандагина сиёсий партия номидан кимни номзод этиб кўрсатишни ўйламасдан,

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2003-йилги эски таҳририда. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №9-10. 136-модда.

² И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз . 2000 “Ўзбекистон” 14 бет.

ана шундай номзодларни партия аъзолари ичидан белгилаб олиб, уларнинг сиёсий ва дипломатик маҳоратларини йиллар давомида ошириб бориши керак. Ушбу жараён худди курашчининг тинимсиз машқлар орқали ўз маҳоратини ошириб боришига ўхшайди. Сиёсий партия номидан илгари сурилган депутатликка номзоднинг сиёсий ва дипломатик маҳорати қанчалик юксак даражада бўлса, бу партиянинг ҳам яқинда ғалаба қозонишига ва умуман парламент ишида сиёсий партия манфаатини самарали ҳимоя қилишига замин яратади. Асосийси депутатликка сайланаётган номзод халқ дардини, қувонч-у ташвишларни тушина олиши уларнинг талабларини маълум маънода бажара олиши ва жамоатчиликни ўз изидан эргаштира олиши, шунингдек, халқни келажакка ишонч билан қарашини таъминлай олиш қобилиятига эга бўмоғи зарурдир.

Инглиз олимлари Дэвид Битэм ва Кевин Бойлларнинг таъкидлаганидек, “биз ўз вакилларимизни улар алоҳида билимларга эга эканликлари учун эмас, балки сайлов округи манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ташаббуслари ва ҳатти ҳаракатларини назорат қилиш ва ўзлари сайловчиларга тақдим этган дастурни ҳаётга тадбиқ этиш қобилиятига эга бўлганликлари учун ҳам сайлаймиз. Соғлом фикрловчи, ишчан, ташкилотчи ва ишонтириш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай киши вакиллик функцияларини бажара олади. Одатда парламент томон бўлган йўл машаққатли ва узокдир. Деярли барча ҳолатларда киши даставвал нуфузли сиёсий партия аъзоси бўлиши ва бир неча йил маҳаллий миқёсда тажриба орттириш мақсадида астойдил меҳнат қилиши керак”.¹ – деганларида жон бор албатта.

Юридик фанлар доктори С.М.Одилхўжаеванинг қуйидаги фикрлари ҳам бизда қизиқиш уйғотди, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати мамлакат вакиллик органи ҳисобланиб, ўз мазмунига кўра, сиёсий ва минтақавий вакилликни таъминлайди, шу асосда, жамиятнинг турли ҳил сиёсий ва ижтимоий қатламлари намоёиш этилади ва бу, ўз навбатида, мамлакат парламентида давлат барқарорлигини оширади”² деганлари чуқур назарий ва амалий тажрибанинг маҳсулидир. Шу асосдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ҳукуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай давлат, энг аввало қонунчилик ҳокимиятини мустаҳкамламоғи, унга сайланаётган депутатларининг яъни, халқ вакилларининг вакиллик тизимида қандай тажрибага эга эканлигини, жамоат ишончини қанчалик даражада қозона олганлигига эътибор бериши керак. Ҳар қандай давлатнинг олий вакиллик органи мамлакатда муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Чунки, мамлакат парламенти халқ фаровонлигини таъминлашда, ҳар тарафлама ҳаётий бўлган қонунларнинг яратилишида,

¹ Д.Битэм, К.Бойл. Демократия 80 саволга, 80 жавоб. Юнеско 2004, 75-76-бетлар.

² Адилхўжаева С.М, Маликова Г.Р. Парламент сўрови парламент назоратининг шакли сифатида. Т.2006 ТДЮИ 5-6-бетлар.

давлат осойишталигини таъминлашда етакчи роллардан бирини эгаллаб туриши аниқ. Шу сабабли ҳам мамлакат парламентида сайланаётган халқ вакилларининг вакиллик тизимида қанчалик даражада тажрибага эга эканлиги ниҳоятта муҳимдир. Шунингдек, депутатларнинг асосий вазифаси фақат қонунлар ишлаб чиқишдангина иборат эмас балки, мамлакат фуқароларнинг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий юксалишига эътибор қаратиши лозимдир. Бу борада Б.Мустафоевнинг фикрлари ниҳоятда асослидир; “Маълумки, мамлакатимиз учун энг муҳим муаммолардан бири – аҳоли даромадининг ҳозирча унча юқори бўлмаган ўртача даражасини оширишдан иборат. Ҳар бир депутат ўз фаолиятида бу масалага дуч келади. Кам таъминланган оилалар, ижтимоий муаммолар..., ҳуллас масалалар кўп ва мураккаб. Муаммонинг мураккаблиги шундаки, аҳоли даромадининг ошиши меҳнат ўнумдорлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши ва маҳсулот сотилишига асосланиши даркор. Бу шартларни бажармасдан туриб даромадларни ошириш 90-йиллар бошида бўлгани каби инфляциянинг ўсишига олиб келиши муқаррар. Шу мақсадда депутат мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, корхоналар ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминланишини кўтариш, қўшимча қиймат даражаси юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт кўламини кенгайтириш бўйича муҳим дастурлар амалга оширилаётганига эътибор қаратмоғи даркор”¹, деб таъкидлайди.

И.Р.Беков ва Ш.А.Аббосхўжаевнинг, “сиёсий партиялар номзодлар танлаётган пайтда уларнинг ҳар томонлама қобилиятларини ўрганиб чиқишлари лозим. Чунки худди мана шу номзодлар сайлов жараёнида ўзларининг ташвиқотлари орқали сайловчиларни ўзларига қарата билиши ва етарли овозларни тўплашлари лозим бўлади”²,-деган фикрлари аини ҳақиқатдир.

Назаримизда, мамлакатимизнинг олий вакиллик органи ҳисобланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида сиёсий партиялар томонидан 135та сайлов округларида кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 15тасини яъни, 10%идан кўпроғини илгари маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари сифатида фаолият юритган номзодлардан таклиф этилса, ўйлаймизки мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, давлатимизнинг энг олий вакиллик органида фаолият юритаётган депутатлар вакиллик соҳасида, депутатлик фаолияти соҳасида бир мунча тажрибага эга бўлиши, Президентимизнинг таъкидлаганидек, ўз шахсий манфаатидан эл-юрт манфаатини устун қўя олиши, ҳудудлар манфаатини самарали ифодалаш учун бир неча йил маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият кўрсатган бўлиши ва ўзи яшаб турган ҳудуд ҳаётидан

¹ Мустафоев Б, Назаров Қ. Ким депутат бўлиши мумкин? Т; ТДЮИ, 2004, 14-бет.

² Беков И.Р, Аббосхўжаев Ш.А. Сайлов ва сиёсий партиялар. Т, ТДЮИ. 2004, 20-бет.

тўла хабардор бўлиши шартдир. Таъкидлаш керакки, сиёсий партиялар томонидан 135 округда 15 депутатликка номзодлиги илгари сурилган шахслар, ҳали сайланди дегани эмас. Бу фақат сиёсий партиянинг олий вакиллик органида ўз электоратининг тажрибали депутатлардан таркиб топишини таъминлашдаги амалий ҳаракати ҳисобланади. Ва бу тенг сайланиш ҳукуқининг чегараланиши ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларига бўлиб ўтган 2004 йил сайловларда 489 депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан – 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар – 54 киши иштирок этди. Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи сайланди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 18 аъзоси, “Миллий тикланиш” партиясининг 11 аъзоси, “Адолат” партиясининг 10 аъзоси сайланди.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг таърифлаганидек, “Агар кўппартиявийлик тизим ишламаса, ҳаётда ўз ўрнини топмаса, партиялар бир-бири билан ҳалол баҳсга киришмаса, аҳвол яна эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади”¹.

Маълумки, профессионал парламент ғояси машҳур “Ўзбек модели” стратегик тамойиллари мазмуний мақом-мундарижаси моҳиятида яхлит мужассам эди.²-деб таъкидлайди, М.Шарифхўжаев.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали этиб шаклланиши маълум бўлганидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун юқорида таъкидлаганимиздек, ўзгартиш ва қўшимчалар билан 2003 йили янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун икки бўлимдан иборат бўлиб, унинг иккинчи бўлимида айнан, биз учун мутлақо янги бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатини шакллантириш тартиби мустаҳкамланди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ; Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.³- деб кўрсатилган.

Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашлари шаклланишидан кейин бир ойдан кечиктирмастан уларнинг қўшма

¹ “Фидокор”газетаси 2004-йил, 6-май.

² Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати “Шарқ” 2005. 117-бет.

³ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2003 йилги таҳрирдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси Т. 132-модда.

мажлисларида Сенат аъзолигига сайловлар ташкил этилади. Демакки, юқори палатани шакллантиришда бизда икки босқичли сайлов тизими амал қилади. Яъни, даставвал фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатларини сайлашади, сўнгра эса мазкур маҳаллий Кенгашларнинг қўшма мажлисида Олий Мажлис Сенати аъзолари сайланишади. Табиийки, Олий Мажлис Сенат аъзоларини сайлайдиган маҳаллий Кенгаш депутатларининг барчаси 25 ёшдан кичик эмаслар. Бу эса давлатимизда юқори палатани шакллантиришда билвосита сайлов шаклидан фойдаланилишини кўрамиз. Б.А.Страшуннинг белгиллаганидек, “сайловлар бевосита ва билвосита шаклда бўлади. Бевосита сайловларда фуқаролар қуйи палатани ёки мамлакат Президентини сайлашсалар, билвосита сайловларда эса сайловни фуқаролар эмас, улар томонидан белгиланган шахслар ёки депутатлар амалга оширади. Билвосита сайловлар орқали одатда парламент юқори палатаси, баъзан Президентлар, ҳукумат, судьялар сайланишади”¹. Мажоритар сайлов тизимининг афзал томони ҳақида Лион Дюги шундай деган эди; “вакиллар орқали овоз бериш саралашни яхшилайти, сайлов жараёнида бўлиши мумкин бўлган қаттиқ курашни секинлаштиради, шунингдек, кутилмаган тартипсизликларнинг олдини олади”². Қолаверса, мамлакатимизда юқори палатани шакллантиришда иштирок этадиган маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам халқ номидан иш кўришини унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда шу тариқа вакиллик органларининг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигининг ва Сенатни шакллантиришда жаҳон тажрибаларидан ўзига хос равишда фойдаланилганининг гувоҳи бўламиз.

Маҳаллий вакиллик органларининг шаклланиши тўғрисида тўхталадиган бўлсак, профессор С.М.Одилхўжаеванинг “давлат сиёсатининг самарали амалга ошишида, унинг устувор вазифаларининг бажарилишида, ҳақиқий демократик институт сифатида – халқ депутатларининг маҳаллий Кенгашлари алоҳида аҳамиятга эгадир”,³ – деган фикрларини келтириб ўтиш жоиздир.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган халқ депутатларидан иборат бўлади”⁴ – деб “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 16 моддасида белгиланиб ўтилган. Демакки, қонун бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларида (туман таркибидаги шаҳар ва шаҳар таркибидаги туманлар бундан мустасно) халқ депутатлари Кенгашлари ташкил қилинади. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

¹ Б.А.Страшун Конституционное (Государственное) право зарубежных стран. М; БЕК 1996 320-стр.

² Л.Дюги. Указ. соч., 506-бет.

³ С.М.Адилхўжаева. / Работа с регионами – в приоритете функций Сената. “Давлат ва ҳуқуқ” 2006.

⁴ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 02.09.93 Қонуни. 2005. 16-модда.

Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 2 моддасида ёзилишича; “халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар”¹, – деб таъкидланган.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 7 моддасига мувофиқ, вилоят Кенгашларига сайловларни ўтказиш учун 60 тагача сайлов округлари ташкил қилиниши белгиланган. Туман ва шаҳар Кенгашларида эса бу сон 30 тагачани ташкил қилади.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни янада жадаллаштириш мақсадида, айниқса, минтақаларда вакиллик органларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада кучайтириш ниятида халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сайловларига сиёсий партиялар томонидан тақдим этилаётган номзодларнинг камида 6 тасини вакиллик соҳасидаги тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг илгари камида бир муддат (5 йил) туман ёки шаҳар Кенгашларида депутат сифатида фаолият юритган кишилардан тақдим этилишини тавсия этамиз.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлаганидек, “Маҳаллий ҳокимият органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат органлари ваколатларининг бир қисмини босқичма–босқич топшириш лозим”.²–деганларидек, бу йўлда энг аввало ҳудудлар аҳолиси онгида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз, уларни маҳаллий давлат органлари билан узвий алоқадорлигини янада кенгроғ таъминлашимиз зарурдир.

¹ “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ўзгартиш ва қўшимчалар билан 2004-йилги Қонуни.2–модда

² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қўрамыз. Т.”Ўзбекистон”. 1999. 389–бет.

2--БОБ. Вакиллик органларининг тизими.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси, Президентимиз раҳнамолигида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий ривожланган адолатли демократик давлат барпо этиш йўлидан бормоқда. Ушбу асло енгил бўлмаган жараёнда жамиятни фуқаролар манфаатига жавоб берувчи зарур қонунлар билан таъминлашда, инсон ҳуқуқларининг таъминланишида ва умуман мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тарақийлашишида салмоқли ўринга эга бўлган бир тизим бор. Бу – вакиллик органлари тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жойларда вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларини тузишдаги асосий мақсад, биринчидан; шу жойларда давлат органларини тузишда аҳолининг иштирокини таъминлаш, иккинчидан; маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни бамаслаҳат, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш, учинчидан; ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий миқёсда назорат ўрнатиш эди”¹, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, Президентимизнинг таъкидлаганидек, вакиллик органлари орқали фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш имконига эга бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 32-моддасида белгиланганидек; “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”², деб белгиланганидек, вакиллик органлари тизими мавжудлигининг ўзи ҳам демократиянинг яққол намунасидир. Унинг жамият ҳаётида ўз фаоллигини қандай намаён этиши эса иккинчи масаладир.

Маълумот ўрнида шуни келтириб ўтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жами 12 вилоят мавжуд бўлиб, халқ депутатларининг туман Кенгашлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 207-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 32 модда, 9 бет.

ташкил этилган 159 та туман мавжуд (бу ерда вилоятга бўйсинувчи туманлар назарда тутилмоқда). Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар сони эса Республика бўйича 29 тани ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг умумий сони – 6034 нафарни ташкил этади. Улардан: 734 нафари халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари; 806 нафари халқ депутатлари шаҳарлар (вилоят бўйсунувидаги) Кенгашлари депутати; 4494 нафари халқ депутатлари туманлар Кенгашлари депутати ҳисобланади¹. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларининг сони 86 та, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари 150 нафар ва Сенат аъзолари барча ҳудудлар бўйича тенг 6 кишидан сайланадиган 84 та ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида тайинланадиган 16 Сенат аъзоларидан иборат бўлган, жами барча бўғинлардаги депутатлар ва сенаторларни қўшиб ҳисоблаганда 6390 нафар халқ вакилларидан иборат бўлган каттагина вакиллик тизими мавжуд.

С.М.Адилхужаеванинг таъкидлаганидек, “Бугунги кунга келиб мамлакатда вакиллик органларининг уч бўғинли тизими ҳаракат қилмоқда. Булар биринчи (юқори) бўғин – Олий Мажлис палаталари, иккинчи (ўрта) бўғин – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари, учинчи (қуйи) бўғин – халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидир”.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг вакиллик органлари тизимида юқори бўғинга киритилишининг сабаби, Олий Мажлис мамлакатда бирдан бир олий вакиллик органидир. Хорижий мамлакатлар парламентларидаги сингари парламентнинг ажралмас функцияси ҳисобланган қонун қабул қилиш функциясини амалга оширади. Тўғри, Ўзбекистон Республикасида қонун қабул қилиш функциясини бевосита амалга оширувчи яна бир орган бор. Бу Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи бўлган Жўқорғи Кенгесдир. Аммо, Жўқорғи Кенгеснинг қабул қилган қонунлари фақат Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидагина юридик кучга эга ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўз навбатида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам ўз юридик кучига эга ҳисобланади. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 72-моддасида қуйидагича белгиланган; “Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир”², деб кўрсатилган. Шунингдек,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Сенат Олий Мажлиси Узбекистан. The Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Муаллифлар: Қ.Расулов, Д.Абдураимов. Т.; “Ўзбекистон”, 2007, 120 бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.; “Ўзбекистон”, 2009, 72 модда, 14 бет.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида ҳам “Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади...”¹, деб мустаҳкамланган.

Демак, ушбу ҳар иккала давлат Асосий қонунларида мустаҳкамланган қоидалардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси вакиллик органлари тизимида шубҳасиз Олий Мажлис палаталари олий вакиллик органи ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган қонунлар қабул қилиш функциясини амалга оширувчи вакиллик тизимининг биринчи бўғинидаги органдир.

Жаҳон тажрибасида Озарбайжон Республикасида шундай тажрибани кузатишимиз мумкин. Маълумки, Озарбайжон Республикасининг таркибида ҳам Нахичеван Мухтор Республикаси деб номланувчи суверен Республика мавжуд бўлиб, Озарбайжон Республикаси Конституцияси 134-моддаси бешинчи бандига мувофиқ; “Нахичеван Мухтор Республикасининг Олий Мажлиси қабул қилган Нахичеван Мухтор Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тегишли равишда Озарбайжон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келиши мумкин эмас”², деб мустаҳкамланган.

Вакиллик тизимининг иккинчи бўғини ҳисобланган Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари эса, юқори билан қуйини, яъни олий вакиллик органи билан маҳаллий туман ва шаҳар Кенгашларини бири бири билан ўзаро боғлаб турувчи ўзига хос кўприк деб ҳам таърифлаш мумкин. Юқори билан қуйи деганда масалан, Олий Мажлис Сенати билан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг ўзаро узвий алоқаси назарда тутилмоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам эгаси бўлиб қолди ҳамда уни бевосита, шунингдек, вакиллари - ноиблари орқали амалга оширмоқда”³ “юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор,... уларни сайлаган Кенгашлар билан узвий алоқа боғлаб турувчи, кўпроқ маҳаллий манфаатларни ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган депутатлардан иборат бўлади”⁴, деганларидек, фуқаро манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳам вакиллик тизимининг қуйи бўғинлари ва умуман Ўзбекистон вакиллик органлари тизими ислоҳ қилинмоқда. Бунда ўрта бўғиннинг аҳамияти алоҳидадир. Ушбу

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н.: “Қорақалпоғистон”, 2006, 15 модда, 53 бет.

² Жаҳон Конституциялари. (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1-жилд). Тузувчилар муқаддима ҳамда кириш сўзларининг муаллифлари У.Тожиқонов ва А.Х.Саидов, Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001, 200 бет.

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 36 бет.

⁴ Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик./ Маъсул муҳаррир: А.Т.Тўлаганов. Т.: ТДЮИ, 2006, 14 бет.

бўғинларда, ўрта бўғинни нафақат юқори билан қуйини боғловчи ўзига хос кўприк деб таърифлаш мумкин, балки тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий аҳволини мустақил тарзда ҳал қилаолувчи, маҳаллий туман ва шаҳар Кенгашларидан келиб тушган турли туман масалаларни, муаммоларни ўзлари эркин ҳал қилаолиши керак бўлган, тегишли ҳудуд фаровонлигини таъминлаш учун қонунлар асосида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган тегишли ҳудуднинг ўзига хос парламенти деб атаса ҳам бўлади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари эса Ўзбекистон Республикаси вакиллик тизимининг учинчи (қуйи) бўғинини ташкил этиб, аҳолига, асосан Ўзбекистон Республикасининг чекка-чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқароларига энг яқин жойлашган, демократик институтлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Лекин уларнинг фаолияти таъкидлаш керакки, бугунги кунда аҳоли орасида унчалик кўзга ташланмаяпти. Ушбу масала тўғрисида кейинги бобларимизда атрофлича тўхталамиз.

Ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари, - деб таъкидлайди Г.Р.Маликова, - тегишли ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва ҳуқуқий муносабатларида келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилот ва давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган органдир¹, деганлари айтиш ҳақиқатдир. Зеро, ушбу Кенгашлар юқорида таъкидлаганимиздек, аҳолига энг яқин жойлашган вакиллик органидир. Шу сабабли ҳам уларнинг жамият ҳаётидаги, фуқаролар ҳаётидаги амалий фаолиятини тубдан жонлантириш зарур.

Демак, Ўзбекистон Республикаси вакиллик органлари тизими асосан уч бўғиндан иборат деб таърифлаш мумкин. Булар биринчи бўғин Олий Мажлис палаталари, иккинчи бўғин Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари, учинчи бўғин халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидир.

Ушбу Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларининг яхлит тизими Ўзбекистон Республикасида қонунчилик ҳокимиятининг асосини ташкил этади. А.Т.Тўлагановнинг фикрича; “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади”², деб таъкидлайди. Дарҳақиқат олимнинг фикрлари тўғридир. Олий Мажлис палаталари юқорида таъкидлаганимиздек, қонун қабул қилиш функциясини амалга оширади, аммо фақатгина Олий Мажлис палаталарининг ўзи қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади десак биров нотўғри бўлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Маъсул муҳаррир: А.А.Азизхўжаев, Т.; “Ўзбекистон”, 2008, 380 бет.

² Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик./ Маъсул муҳаррир: А.Т.Тўлаганов. Т.; ТДЮИ, 2006, 11 бет.

Яъни, биз қонун қабул қилиш функциясини фақат Олий Мажлис палаталари амалга оширади, шунинг учун қонунчилик ҳокимияти деганда Олий Мажлис палаталари тушунилади деб таърифласак хато қилган бўламиз. Асосий қонуннинг 11-моддасида белгиланганидек; “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади”¹. Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятлар тақсимоли учтага ажратилиб белгиланадиган бўлса, шундан қонунчилик ҳокимияти тизимида Олий Мажлис палаталари, Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари мансуб деб таърифлашимиз тўғридир. Чунки, гарчанд қонун қабул қилиш функциясига эга бўлмаса ҳам олий вакиллик органи эга бўлган вакиллик қилиш; қонунлар ижросини назорат қилиш; давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш; бюджетни тасдиқлаш каби зарур бўлган функцияларни маҳаллий Кенгашлар ҳам амалга оширади. Энг асосийси эса маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам умумий, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш орқали беш йил муддатга бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Буларнинг барчаси эса қонунчилик ҳокимияти деганда маҳаллий Кенгашларни ҳам назарда тутишимиз кераклигини билдирмоқда.

3--БОБ. Вакиллик органлари функцияси ва ваколатларининг моҳияти ва тушунчаси.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти мазмунини тафсифлаш учун қонунда шу органларнинг “вазифалари”, “ваколатлари” деган ибораларнинг моҳиятини тушунишимиз лозим², - деб таъкидлайди А.Б.Чўлиев. Дарҳақиқат, олимнинг келтириб ўтган “вазифа” ва “ваколат” деган иборалари қаторига **“функция”** деган иборани ҳам қўшишни афзал билдик. Фикримизча, диссертация ишининг асосий вазифаси ҳам айнан функция сўзини чуқур илмий таҳлил қилишдан, унинг ахамиятини тушунтириб беришдан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 5 бет.

² Маъсул муҳаррир; профессор А.Т.Тўлаганов. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик..Т.ТДЮИ, 2006-йил, 240-бет.

бошланади. Назаримизда, вакиллик органининг ҳар қандай бўғинида “функция” сўзи кенг камровли маънони англатади.

“Функция” сўзи лотинча *functio*, сўздан олинган бўлиб, бажариш, мажбурият, фаолият доираси деган маъноларни билдиради¹. Функция сўзининг ўзи нафақат вакиллик органларига хос атама балки, давлат ва жамият ҳаётининг бошқада соҳаларида кенг қўлланиладиган, ишлатиш чегараси бўйича катта майдонга эга бўлган атамадир. Умумий олиб қараганда функцияларни икки гуруҳга ажратиш мумкиндир. Масалан, давлатнинг функциялари ва жамиятнинг ёзилган ва ёзилмаган функциялари деб ажратиш мумкин. Г.В.Атамунчукнинг фикрича; “давлат бошқаруви функциялари жамият функциялари билан узвий алоқадордир ва унинг амалга ошиши йўллари намаён этади”².

Давлат функциялари қаторига жамиятда қонунийликни таъминлаш; фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш; давлат ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишини таъминлаш каби функцияларни келтириш мумкин. Айнан ушбу функцияларни самарали амалга ошириш учун ҳам давлат ҳокимияти учга, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига ажратилади. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу ҳокимиятларнинг вазифаси давлатнинг юқорида белгиланган функцияларини амалга оширишдир. Яъни улар йерархик тарзда эмас, балки, функцияларига қараб ажратилади. Бу эса уларнинг бири иккинчисидан мустақил ҳокимият тармоғи бўлиб қолишини маълум маънода таъминлайди. Давлат функцияларидан келиб чиқиб, унинг органлари ҳам маълум функциялар билан таъминланади. Шу жумладан қонунчилик ҳокимиятини ташкил этувчи вакиллик органларини ҳам давлатнинг бир органи сифатида баҳолаш мумкин. Давлат функцияларини самарали амалга ошириш учун вакиллик органлари ҳам бир қатор функцияларни амалга оширади. Яна шунинг ҳам белгилаб ўтиш жоизки, Давлат функциялари бу назарий масаладир, лекин унинг органларининг функциялари масалан, вакиллик органларининг функциялари эса конституциявий-ҳуқуқий яъни амалий масаладир. Бу ушбу орган функцияларининг ваколатлар шаклида батафсил Асосий қонунда, конституциявий қонунларда ва қонунларда мустаҳкамланганлигида ўзи ифодасини топади.

Замонавий парламент бу – деб таъкидлайди, Д.Қ.Ахмедов, қонун қабул қилиш функциясини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи.³ Миллий олимларимиздан яна бири, Ҳ.Т.Одилқориев “Қонун чиқариш парламентнинг ўта муҳим

¹ Г.В.Атамунчук. Теория государственного управления. Курс лекций. М.; Юрид. Лит. , 1997, 48 стр.

² Г.В.Атамунчук. Теория государственного управления. Курс лекций. М.; Юрид. Лит. , 1997, 121 стр.

³ Д.Қ.Ахмедов. Ривожланган мамлакатлар марказий органларининг конституциявий асослари/ Ўқув қўлланма. Т, ТДЮИ 2006, 50-бет.

функцияси, бироқ ягона функцияси эмас”¹,-деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳам қонун қабул қилиш функциясидан ташқари қонунлар ижросини назорат қилиш, вакиллик, давлат бюджетини қабул қилиш, давлат органларини шакллантириш, ташқи сиёсатни амалга ошириш каби бир қатор муҳим функцияларни амалга оширади. Гувоҳи бўлганимиздек, вакиллик органлари функциялари деган ибора ваколат ёки вазифа иборасига қараганда бир қанча кенг маъноли сўз экан. Масалан, Олий Мажлис палаталари биргина вакиллик функциясини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган қатор ваколатларга эга ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; давлат мукофатлари ва унвонларини таъсис этиш; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш каби ваколатлар Олий Мажлис палаталарининг вакиллик функциясига тааллуқли бўлган ваколатларидир.

Демак, функция бу - вакиллик органининг қонуний мустаҳкамланган бир неча ваколатларини, ўзида жамлаган тушунчадир, деб хулоса қилишимиз мумкин. Бошқача таърифлаганда, вакиллик органлари ўз функцияларини амалга ошириши учун Конституцияда ва қонунларда мустаҳкамланган ваколатлар билан таъминлангандир.

Шуни таъкидлаш жоизки, “вакиллик органларининг функциялари” деган ибора билан “вакиллик органларининг ваколатлари” деган иборалар ўртасида фарқ борлигини эътироф этиш керак. Юқорида таъкидлаганимиздек, функция сўзи кенг қамровли, ишлатиш доираси бўйича катта майдонга эга бўлган сўздир. Мисол учун, оддий фуқародан парламент деган орган нима иш қилиши керак? деб сўрасангиз агар, парламентда депутатлар ўтиради, улар қонунлар ишлаб чиқиши керак, халқнинг вакили бўлиши керак деган жавобни эшитишингиз мумкин. Бу ерда ушбу оддий фуқаро эътибор берган бўлсангиз агар, парламентнинг, яъни вакиллик органининг мажбуриятини, функцияларини санаб ўтмоқда, ваколатларини эмас. Вакиллик органларининг ваколатлари Асосий қонунда, конституциявий қонунларда ва қонунларда бўлади. Вакиллик органларининг ваколатлари у бажарадиган функциялар доирасидан келиб чиқади. Вакиллик органлари функцияларининг қанчалик кўп бўлиш бўлмаслиги эса, ушбу органнинг чекланган, чекланмаган ёки нисбатан чекланган ваколатлилигига боғлиқдир. Шундай қилиб, вакиллик органларининг ваколатлари унинг функциялари асосида келиб чиқади.

¹ Одиқориев Ҳ.Т, Тультеев И.Т, Мухамедов Ў.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳукуки. Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик/;Т; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 292-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қуйидаги функцияларга эгадир: қонун қабул қилиш; қонунлар ижросини назорат қилиш; вакиллик; давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш; давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш; ташқи сиёсатни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органларининг қуйи бўғинларида жойлашган вакиллик органларининг ҳам функциялари деярли шундай кўринишга эга бўлиб, қонун қабул қилиш (Жўқорғи Кенгес бундан мустасно) ва ташқи сиёсатни амалга ошириш каби функцияларга эга эмас. Маълумки, ташқи сиёсатни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10-моддасида кўрсатилганидек; “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин...”¹.

Қонунлар ижросини назорат қилиш; вакиллик; тегишли ҳудуднинг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш; тегишли ҳудуддаги давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш каби функциялар маҳаллий Кенгашлар ихтиёридадир.

Вакиллик органларининг ушбу функциялари асосида унинг ваколатларини кўришимиз мумкин. Хусусан, Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- 7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- 8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- 9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 5 бет.

10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади¹.

М.Рустамбоев, Д.Ахмедов, С.Хидиров ва И.Беков Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги тасарруфига киритилган ваколатларни тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатади. Хусусан: қонунчиликка оид; вакилликка оид; назоратга оид; маъмурий-худудий тузилишга оид.

Биринчи гуруҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;....

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 16-17 бетлар.

Иккинчи гуруҳни... Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;...

Ваколатларнинг учинчи гуруҳи парламентнинг вакиллик вазифалари жумласига киритилиши ва Президентнинг сиёсий қарорлари қабул қилинишида иштирокчи сифатида таърифланиши мумкин. Мазкур ваколатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;...

Ваколатларнинг тўртинчи гуруҳи, булар: Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;...¹.

Эътироф этиш жоизки, Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари унинг парламент сифатидаги қиёфасини акс эттиради. Бошқача айтганда, қуйи палата юқори палатасиз ва ўз навбатида юқори палата қуйи палатасиз фаолият юрита олмайди. Агар Қонунчилик палатасини қонун ижодкорлиги иши билан бевосита шуғулланадиган ва жамиятдаги турли ҳил масалаларни тартибга солувчи қонунлар яратиб берувчи орган деб ҳисобласак, Сенат эса мазкур қонунларнинг жамиятда қандай ижро этилаётганини, ундаги камчилик ва хатоларни аниқловчи, ҳудуд манфаатларини олий вакиллик органида ифодаловчи органдир.

Ўз навбатида ҳар бир палата фақатгина ўз ихтиёрига кирувчи ваколатларга ҳам эгадир. Булар Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонунда ва Сенат тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топган.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш киради¹.

¹ Муаллифлар жамоаси М.Рустамбоев ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Лотин тилида. Т.: “Янги аср авлоди”, 2005, 189-190 бетлар.

Гувоҳи бўлганимиздек, Қонунчилик палатаси мутлоқ ваколатлари унчалик ҳам кенг доирага эга эмас, қуйи палата ваколатларининг аксарияти юқори палата билан биргаликдаги ваколатлар жумласига киритилгандир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўзига хос хусусияти, деб таъкидлайди О.З.Мухаммаджонов, – унинг профессионал тарзда қонунчилик фаолияти билан шуғулланадиган депутатлардан иборат эканлигидир². Яъни Қонунчилик палатаси бор эътиборини сифатли, ҳаётий ва халқчил қонунлар яратишга қаратиши керак, шунинг учун ҳам қуйи палата профессионал деган мақомга эгадир.

Сенатнинг мутлақ ваколатлари жумласига:

- 1) Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

¹“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий 12.12.2002 Қонуни. НОРМА 9-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси: А.А.Азизхўжаев ва бошқалар. Т.: “Ўзбекистон”, 2008. 304 бет.

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан мансабдор шахсларни Сенат томонидан сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади¹.

Гувоҳи бўлганимиздек, Сенатнинг мутлақ ваколатлари доираси қуйи палатага қараганда бир мунча кенгроқ бўлиб, асосан давлат органларини шакллантиришда иштирок этиши ва назорат функцияларини амалга ошириши аниқ бўлмоқда. Бу эса Сенатнинг том маънода ҳудудлар манфаатини олий вакиллик органида ифодаловчи орган эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг вакиллик органлари ваколатларини келтириб ўтишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ваколатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Зеро, Жўқорғи Кенгес ва умуман Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзига хос ўринга эгадир. Бу унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалигида ва ўз ҳудуди учун бажарилиши мажбурий бўлган қонунлар қабул қилишида кўринида. Қолаверса, ўз давлат рамзларига эгалигида ҳам ифодаланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ваколатлари доирасини келтириб ўтадиган бўлсак, бунда қорақалпоқ парламентининг анча кенг ваколатларга эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан;

-Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий 12.12.2002 Қонуни. НОРМА 9-модда.

- Қорақалпоғистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунларига шарҳ бериш;
- Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумини шакллантириш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг таклифи бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг келишуви асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг аъзоларини лавозимига тайинлаш ва бўшатиш;
- Қорақалпоғистон Республикасининг вазирликларини, давлат қўмиталарини ва бошқа да давлат органларини шакллантириш ва тарқатиш;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитасини, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий судини, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик Судини сайлаш;
- Туман ва шаҳар судларининг судьяларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг таклифи бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг келишуви асосида Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошлиғини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;
- Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг қарорларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш;
- Маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонунлар асосида мувофиқлаштириш;
- Республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таклифи асосида Қорақалпоғистон Республикасининг давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижро этилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мукофотларини ва фахрий унвонларини ташкиллаштириш;

-Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларни белгилаш, Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш;

-Ўзбекистон Республикасининг олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари актларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига таклифлар бериш;

-Ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа да ваколатларни амалга ошириш¹.

Президентимиз И.А.Каримовнинг; “Асосий қонунимиз, Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади”² деганларидек, мазкур ваколатлар Жўқорғи Кенгеснинг том маънодаги қонун қабул қилиш дек функцияга эга бўлган парламент эканлигини кўрсатмоқда.

Вакиллик органларининг ваколатларини келтириб ўтишда маҳаллий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қирувчи масалалар белгилангандир. Шунинг эътирофи керакки, маҳаллий миқёсда вакиллик органлари билан ижро органларининг ихтиёридаги масалалар бир хилдир. Булар қуйидагилар;

1) қонунийликни, ҳуқуқий тартибни ва фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш;

2) ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

3) маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил қилиш;

4) маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

5) атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

6) фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

7) норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш³.

Эътироф этиш керакки, Асосий қонунда кўрсатилган ушбу маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимиятига тегишли бўлган масалалар бу ҳали уларнинг ваколатлари дегани эмас. Булар унинг функцияларидир. Ушбу функциялар асосида маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ўз ваколатларини белгилашади. Бизнинг ушбу фикримизнинг тасдиғини профессор Ҳ.Т.Одилқориевнинг “Бу вазифалар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти

¹ Е,Д.Қутыбаева, Е,Т.Бердиев, У,С.Матирзаев, Қарақалпақстан Республикасының Конституциясы (Схемалар) Н, “Қарақалпақстан” 2002. 21-22 бетлер.

² И.А.Каримов. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.; 1993. 7 бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.; “Ўзбекистон”, 2009. 30 бет.

органларининг бирга амалга оширадиган вазифалари бўлиб, уларнинг ваколатлари шу вазифалардан келиб чиқади”¹, деган нуктаи назарларидан ҳам кўrsa бўлади. Шу жоида функция ва ваколат ибораларининг қанчалар даражада фарқга эга эканлигини таъкидлаш керак.

Функция - ваколат дегани эмас, вакиллик органларининг ваколатлари бу - аниқ ва равшан тарзда қонунлар асосида мустаҳкамланган мазкур органнинг ҳуқуқларидир. Функция сўзи бажариш, мажбурият, фаолият доираси деган маъноларни билдириб, ушбу мажбуриятлари асосида вакиллик органлари ўз ваколатларига эга бўлади.

Хулоса.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлаганидек, “Маҳаллий ҳокимият органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат органлари ваколатларининг бир қисмини босқичма–босқич топшириш лозим”.²—деганларидек, бу йўлда энг аввало ҳудудлар аҳолиси онгида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз, уларни маҳаллий давлат органлари билан узвий алоқадорлигини янада кенгроғ таъминлашимиз зарурдир.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни янада жадаллаштириш мақсадида, айниқса, минтақаларда вакиллик органларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада кучайтириш ниятида халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сайловларига сиёсий партиялар томонидан тақдим этилаётган номзодларнинг камида 6 тасини вакиллик соҳасидаги тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг илгари камида бир муддат (5 йил) туман ёки шаҳар Кенгашларида депутат сифатида фаолият юритган кишилардан тақдим этилишини тавсия этамиз.

Бугунги кундаги Ўзбекистон Республикасидаги вакиллик органларининг яхлит бир механизм сифатида фаолият юритишини янада мукаммал таъминлаш жоиз. Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида олий вакиллик органимиз тубдан ислоҳ

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи: Муаллифлар; Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Ҳ.Мухамедов. Т.; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. 340 бет.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрамыз. Т.”Ўзбекистон”. 1999. 389–бет.

қилинган бўлса, эндиги навбат қуйи вакиллик органларини кенг ислоҳ қилиш зарур, деб ўйлаймиз ва қуйидаги тавсия ва таклифларни илгари сурамиз:

1) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида сиёсий партиялар томонидан 135та сайлов округларида кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 15тасини яъни, 10%идан кўпроғини илгари маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари сифатида фаолият юритган номзодлардан таклиф этилса, ўйлаймизки мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қаторини кенгайтириш керак деб ўйлаймиз ва уларнинг қаторига вилоят Кенгашларини ҳам қўшишни тавсия этамиз. Чунки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари кундаликли ишларида кўпинча ҳудудларда, юртимизнинг чекка-чекка жойларида ишлашади ёки истиқомат қилишади. Бир сўз билан таърифлаганда бевосита фуқаролар ўртасида бўлишади. Шунинг учун ҳам улар қандай қонуннинг жамият ҳаётида ўз муносиб ўрнини топаётганлигини ёки қайси қонун жамиятидан орқада қолаётганлигини яхши англашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.1 Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т. Ўзбекистон, 2005. 96 бет.

2. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида 2006-йил 24-феврал куни сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”, 2006-йил 25-феврал сони.

3. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш-устивор мақсадимиз. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси. 28.01.2010. №19.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси №220 13.11.2010 й

5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши останасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

6. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

1.2 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т: “Ўзбекистон”, 2011.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси.-Нукус.“Қорақалпоғистон” 2008.

3. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий

Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси №4-5, 2002, 60-модда.

4. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007, №4, 161-модда.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002. №12,212-модда.

6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002, №12, 213-модда.

7. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 29.08.2003.// Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси. №9-10. 2003.

8. “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси 2008, 1-модда 27-декабр сони.

9. “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 03.09.1993.

Асосий адабиётлар

1. Э.Ҳ.Халилов. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи; сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.Ўзбекистон. 2001. 421 бет.

2. Ҳ.Т.Одилқориев. умумий таҳрири остида; Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳукуки, (Олий ўқув юртлари учун дарслик). Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005, 752 бет.

3. О.Т.Хусанов. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроя ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма.Т. “Университет” 1994. 174 бет.

4. Р.М.Алимов. умумий таҳрири остида. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. Т. “Шарқ”. 2002. 237 бет.

5. Маъсул муҳаррир А.Т.Тўлаганов Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. (Дарслик) Т; ТДЮИ 2006 336 бет.

6. Д.Қ.Ахмедов. Ривожланган мамлакатлар марказий органларининг Конституциявий асослари. Т; ТЮДИ, 2006. 257 бет.
7. М.Бойдадаев. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. “Шарқ” Т; 2000. 194 бет.
8. И.Р.Беков, Ш.А.Аббосхўжаев. Сайлов ва сиёсий партиялар. Т, ТДЮИ. 2004, 24 бет.